

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАПОВ ШУХРАТ ЗАРИПБАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИЁҚЛАМА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Ражапов Шухрат Зарипбаевич

Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш
механизмини такомиллаштириш..... 3

Ражапов Шухрат Зарипбаевич

Совершенствование механизма устранения двойного
налогообложения в Узбекистане 29

Rajapov Shuhrat Zaripbayvich

Improving the mechanism for eliminating double taxation in Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАПОВ ШУХРАТ ЗАРИПБАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИЁҚЛАМА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Iqt807 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойкулов Садриддин Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Тошмуродова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ниязметов Исломбек Машарипович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражадар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «30 декабрь» оят 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳар Ислом Каримов кўчаси 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1026 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳар Ислом Каримов кўчаси 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.


Диссертация автореферати 2020 йил «16 декабрь» кuni тарқатилди.

(2020 йил «16» декабрьдаги 47- рақамли реестр баённомаси).




Н.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор


Н.Г.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раис ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув жараёни мамлакатлар томонидан иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишга доир халқаро ташкилотларнинг меъёрларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Буни иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар, шунингдек, «солиқ масалалари бўйича ўзаро кўптомонлама маъмурий ёрдам тўғрисидаги Конвенциялар иштирокчиси бўлган 120 тадан ортиқ мамлакат ва юридикцияларнинг, иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишни олдини олиш бўйича солиққа оид келишувларида кўриш мумкин. Бунинг асносида кўп томонлама Конвенция муҳокамасини ҳал қиладиган чора-тадбирлар борасида 1360 та шартнома имзоланган ва бунга иккиёқлама солиқ муносабатларига эга 80 та давлат ва юридикция томонидан алоҳида эътибор берилмоқда»¹. Шу нуқтаи назардан, иккиёқлама халқаро солиққа тортиш муаммоларини бартараф этиш халқаро операциялар соҳасида бутун дунё бўйлаб солиқ тизимларининг ўзаро таъсири орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирда жаҳонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш борасида қатор илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иккиёқлама солиққа тортишнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлаш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиққа тортишнинг халқаро стандартларини қўллаш, мазкур жараёнларнинг мониторингни юритиш, автоматлаштириш, дастурлаш ва рақамлаштириш орқали ҳисоб ва назорат самарадорлигини ошириш, иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. «Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади»². Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш муносабатлари, шу жумладан, солиқлардан қочиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг янги усулларига барҳам бериш ривожланмаган. Бундан ташқари, солиққа тортишнинг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишини бартараф этиш механизмининг мақбул даражасини аниқлаш муаммосини ҳал этиш имконини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2019 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468- сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини сиёсатини такомиллаштириш

¹ OECD on tax – By the numbers, <https://www.oecd.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон.

концепцияси тўғрисида»ги, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сон «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши, шунингдек, мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш масаласининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар А.Погорлецкий, Reuven S. Avi-Yonah, Richard L. Doernberg, Angharad Miller, Lynne Oats, Roy Saunder, Miles Dead, Richard Williams, Diana Van Der Merve, Michael Kobetsky, А.А.Шахмаматов, Е.Толстопятенко, И.А.Ларютина, В.Н.Туровецкий, М.Н.Кобзарь-Фролова, М.А.Денисаев, А.И. Погорлецкий, И.Д.Агаева, А.В.Фокин ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Тошматов, Н.Жумаев, Т.Маликов, Н.Ҳайдаров, М.Алимарданов, Б.Тошмуродова, Э.Гадоев, Қ.Хошимов, Н.Қузиева, О.Иминов, О.Олимжонов, А.Жўраев, И.Ниязметов ва И.Турабоевнинг илмий ишларида иккиёқлама солиққа тортиш, хусусан, Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўз аксини топган⁴.

³Погорлецкий А.И. «Международное налогообложение», Изд-во Михайлова В. А., 2006.-384 с., Reuven S. Avi-Yonah, "Double Tax Treaties: An Introduction." In The Effect of Treaties on Foreign Direct Investment: Bilateral Investment Treaties, Double Taxation Treaties and Investment Flows, edited by K. P. Sauvant and L. E. Sachs, 99-106. Oxford: Oxford Univ. Press, 2009.; Richard L. Doernberg, Overriding tax treaties: The USA Perspective, 9 Emory Int'l L.Rev.71.71(1995).; Angharad Miller, Lynne Oats, Principles of International Taxation: Fourth Edition 4th Revised edition by Miller, Angharad, Oats, Lynne (2014) Paperback Paperback – 1 Jan. 1601.; Roy Saunder, Understanding Double Tax Treaties, International Business Structuring Association (2014), Article 14. Published online:31 July 2014, available at <http://www.istructuring.com/knowledge/article/understanding-double-tax-treaties/> (last access:11 May 2017); Miles Dead, Richard Williams, Deloitte Discovery Global Leader., Features – A Challenging Move on the International Stage: Zero Withholding on Direct Dividends in the New US-UK Tax Treaty., Michael Kobetsky, International Taxation of Permanent Establishments Principles and Policy. Australian National University College of Law.2011.

⁴Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли. Монография.-Т.: Фан ва технология, 2008.-204 б.; Шернаев А.А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ўрта муддатли истикболини белгилаш

Халқаро солиққа тортиш тизимининг ажралмас қисми сифатида иккиёқлама солиққа тортиш жараёни бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо бу борада маҳаллий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Айрим тадқиқотлар мазкур муаммонинг ҳуқуқий жиҳатлари билан чекланган. Масалан, Қ.Ш.Хошимов ва Н.Р.Қўзиёева томонидан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва қўшма корхоналарни солиққа тортиш бўйича амалга оширилган тадқиқот ишларида мазкур корхоналар солиқ масалалари ўрганилган. И.Қ.Турабоевнинг тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси норезидент юридик шахсларига солиқ солишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар берилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштириш масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаганлиги ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича фундаментал тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот режасининг №ФМ-5 «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истикболлари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларни моҳиятининг янги талқинини бериш ва ушбу жараённинг солиқ тизимидаги аҳамиятини асослаш; халқаро иқтисодий интеграция шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муаммоларининг

масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -20 б.; Мусагалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2009. -23 б.; Эргашев И.О. Миллий бозорни ҳимоялашда акциз солиғини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2011. -22 б.; Собиров Ш.М. Фойда солиғи ва унинг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсири. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -20 б.; Урмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истикболлари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2010. -23 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б. Элмирзаев С. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. Т.:2017. 153 б. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Т.: 2018 й. Мирзаев М. Солиқ йиғилувчанлигини ҳисоблашнинг услубиёти ва амалиёти. [www. Biznes-daily.uz/ru/birjaexpert.15687/](http://www.Biznes-daily.uz/ru/birjaexpert.15687/). Турабоев И. Ўзбекистон Республикаси норезидент юридик шахсларига солиқ солишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2019. -45 б.

юзасага келиш сабаблари аниқлаш ва иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

икки ёқлама солиққа тортиш муносабатларини халқаро солиқ стандартларига мувофиқлаштиришни тақозо этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг Ўзбекистон солиқ тизимига таъсир даражаларини белгилаш;

Ўзбекистонда икки ёқлама солиққа тортиш муносабатларини миллий солиқ қонунчилигига хос хусусиятларни таҳлил қилиш ва улардан келиб чиққан ҳолда илмий хулосалар олиш;

икки ёқлама солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистоннинг давлатлар ўртасидаги иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини икки ёқлама солиққа тортиш муносабатлари билан боғлиқ иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, абстракт-манتيкий фикрлаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш бўйича давлатлараро шартномалардан фойдаланиш тартиби тегишли давлатларнинг солиқ резиденти бўлмаган бошқа шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланиш ҳолатларини инкор этиш асосида такомиллаштирилган;

норезидент жисмоний шахслар маблағларининг хўжалик оборотидан чиқишига сабаб бўлувчи даромадларнинг тўлов манбаидан солиқ ушлаб қолиш тартибини махсус қоидаларга мувофиқ пасайтирилган ставкани қўллаш орқали такомиллаштириш асосланган;

Ўзбекистон Республикасида чет эллик солиқ тўловчилари томонидан бажарилмаган солиқ мажбуриятлари оқибатида вужудга келган қарздорликни ундириш юзасидан бевосита манфаатдор ташкилотнинг тегишли давлат ваколатли органига мурожаат қилиши тартиби таклиф этилган;

иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш тартиби Ўзбекистон резидентлари томонидан мамлакат ташқарисида тўланган солиқни ҳисобга олиш ҳамда уларнинг мамлакат ичқарисида тўланиши лозим бўлган солиқ миқдорига мувофиқлигини таъминлаш жиҳатидан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иккиёқлама солиққа тортиш муносабатлари иқтисодий моҳиятининг янги талқини берилган;

иккиёқлама солиққа тортиш жараёнининг солиқ тизимидаги аҳамияти асосланган, уни амалга оширишнинг халқаро солиқ стандартлари асосидаги тамойиллари ишлаб чиқилган;

Солиқ кодексининг 6-моддасига иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш масалаларини тартибга соладиган халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ солиққа тортиш тартиби солиқ резидентига нисбатан, халқаро шартнома тузилган давлатнинг

солиқ резиденти бўлмаган бошқа шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланса, татбиқ этилмаслигига оид меъёрни жорий этиш таклифи берилган;

Солиқ кодексининг 400-моддасига норезидент жисмоний шахслар даромадига тўлаш тўлов манбаида солиқни ушлаб қолмасдан солиққа оид халқаро шартномаси (битим) қоидалари бўйича солиқлардан қочишни олдини олиш борасида махсус қоидаларга мувофиқ пасайтирилган ставкани қўллаган ҳолда жорий этилиши тартиби таклиф этилган;

Солиқ кодексининг 6-моддаси халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ хорижий давлатнинг ваколатли органидан хорижий давлат солиқ тўловчиси томонидан Ўзбекистон Республикасида бажарилмаган солиқ мажбуриятларини бажаришига кўмаклашиш тўғрисида бевосита муурожаат этиш хусусиятлари, улардан фойдаланишдаги ўзига хос ёндашувлар кўрсатиб берилган;

Солиқ тўловчи резидент ва норезидентлар билан ўзаро ҳисоб-китобда қулай имконият яратиш мақсадида Солиқ кодексининг 342-моддасига киритилган ва солиқни ҳисобга олиш солиқ даври якуни бўйича жисмоний шахс томонидан тақдим этилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида амалга оширилиши таклифи киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодчи олимларнинг молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва холисона таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, маълумотлар базасининг расмий ва амалдаги тегишли корхоналардан олингани, шунингдек, диссертацияда акс этирилган ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни амалга оширишда, шунингдек, иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишда ва муносабатларни самарали тартибга солишга қаратилган кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти унда шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини самарали тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалий чора-тадбирлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Диссертация ишининг натижаларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналиши ва мутахассислигидаги фанлар, хусусан «Солиққа тортишнинг халқаро андозалари», «Солиқ сиёсати», «Иқтисодиётни солиқ воситасида тартибга солиш», «Солиқ маъмурчилиги» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, базасини мустаҳкамлаш ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири бўлганиккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш масалаларини тартибга соладиган халқаро шартнома қоидалари шундай шартномани тузган бир ёки иккала давлатнинг солиқ резидентларига нисбатан қўлланилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тузилган давлатнинг солиқ резидентига нисбатан, агар солиқ резиденти ушбу халқаро шартнома қоидаларидан мазкур халқаро шартнома тузилган давлатнинг солиқ резиденти бўлмаган бошқа шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланса, татбиқ этилмаслигига оид таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан тасдиқланган янги Солиқ кодексининг 6-моддасига киритилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 10/1-18501-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга татбиқ этиш натижасида Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини янада қулайлаштиришга хизмат қилувчи чет давлатлари резидентларини адолатли солиққа тортиш имконияти яратилган;

Ўзбекистон Республикасининг норезидент жисмоний шахслар даромадига тўлаш тўлов манбаида солиқни ушлаб қолмасдан солиққа оид Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси (битим) қоидалари бўйича солиқлардан қочишнинг олдини олиш борасида махсус қоидаларга мувофиқ пасайтирилган ставкани қўллаган ҳолда амалга оширилиши юзасидан берилган таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-Қонунига кўра, янги Солиқ кодексининг 400-моддаси “Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари”га киритилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 10/1-18501-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, шунингдек, норезидент жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилишига, норезидентлар реал даромадларига эга бўлиш имконияти яратилади;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа чет давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ чет давлатнинг ваколатли органидан чет давлат солиқ тўловчиси томонидан Ўзбекистон Республикасида бажарилмаган солиқ мажбуриятларини бажаришига кўмаклашиш тўғрисида бевосита мурожаат қилиш тартиби тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-Қонунига асосан тасдиқланган янги Солиқ кодексининг 6-моддасига киритилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 10/1-18501-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида давлатлар ўртасида ўзаро норезидентлар томонидан тўланиши зарур бўлган солиқларни ундиришнинг қулай механизми

яратилган ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ошишига ижобий таъсир қилаган;

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш юзасидан батафсил тушунтириш беришга оид таклифи янги Солиқ кодексининг 342-моддасига киритилган ва солиқни ҳисобга олиш солиқ даври якуни бўйича жисмоний шахс томонидан тақдим этилган жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида амалга оширилиши Солиқ Кодексининг 399-моддасида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 10 июндаги 10/1-18501-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида солиқ хизмати органлари томонидан бу жараён натижаси юзасидан солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилишда қулай имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 1 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация ишининг асосий ғоя ва натижалари 1 та ўқув қўлланма, 9 та илмий мақола ва маъруза тезислари кўринишида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметига тавсиф берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзуга дахлдор хорижий илмий тадқиқотларга шарҳ берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ифодаланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти акс эттирилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иккиёқлама солиққа тортишнинг юзага келишининг ижтимоий-иқтисодий асослари»** деб номланган биринчи бобида икки ёқлама солиққа тортиш муносабатларида муаммоларнинг юзага келиш сабаблари ва илмий-назарий фикрлар ҳамда жаҳон хўжалигида икки ёқлама солиққа ториш жараёнларини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришни тақозо этувчи омиллар ўрганилган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган, умумий тартибда халқаро иккиёқлама солиққа тортиш тушунчасига изоҳ бериб ўтилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) луғатида⁵ иккиёқлама солиққа тортиш тушунчасига «ички» ва «халқаро» нуктаи назардан

⁵ <https://www.oecd-ilibrary.org/>

таъриф берилган. Хусусан, «Ички» иккиёқлама солиққа тортишда солиқларни ундириш давлатлар ўзларининг тенглик даражадаги мустақил солиқ органлари томонидан, ўз ваколатлари доирасида ундирилганда юзага келиши сифатида таърифланса, «Халқаро икки томонлама солиққа тортиш» икки ёки ундан кўп ҳудудларда таққосланадиган солиқларни битта солиқ тўловчидан худди шу солиқ солинадиган даромад ёки капитал бўйича ундириб олиниши деб тавсифланади. Бу даромадлар эса, даромад манбаи эга мамлакати учун ҳам, шу даромад олган шахснинг яшаш жойида ҳам солиққа тортилиши кераклигини тақозо этади.

Шунга ўхшаш бошқа манбада эса, иккиёқлама солиққа тортиш тушунчаси моҳияти агар битта мулкка нисбатан бир нечта шахсдан солиқ олинса, иккитомонлама солиқ солиниши амалга оширилаши тарзида келтирилади⁶.

Иқтисодчи олим Н. Соловёва иккиёқлама солиққа тортишни солиқ тўловчининг икки (ёки ундан ортиқ) ҳудудда худди шу объектга нисбатан худди шу даврлар учун таққосланадиган солиққа тортиш деб таъкидласа,⁷ В. Семенихин икки ёқлама солиқ солиш тушунчасини бир мамлакатнинг ўзида бир хил даромадга ёки турли солиқларга бир вақтнинг ўзида солиқ солиш сифатида таърифлайди⁸. Ўз навбатида Л. Полежарованинг таъкидлашича, «Халқаро икки томонлама солиққа тортиш - бу икки (ёки ундан кўп) ҳудудларда бир солиқ тўловчидан худди шу объектга ва ўша даврларга нисбатан таққосланадиган солиқларни йиғишдан иборатдир»⁹

Тадқиқот ишида илмий-назарий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, муаллифлик таърифини шакллантирдик. Фикримизча, иккиёқлама солиққа тортиш - икки ёки ундан ортиқ давлат солиқ қонунчилигига кўра бир объектга нисбатан ва бир хил давр учун битта солиқ тўловчидан икки (ёки ундан ортиқ) давлатларда мос (бир хил ёки ўхшаш) солиқларнинг ундирилишидир.

Халқаро икки ёқлама солиққа тортиш эса шахс (бир давлат резиденти)нинг бошқа давлат ҳудудидаги манбадан даромад олганда, бошқа давлатда мол-мулкка (одатда, кўчмас мулкка) эга бўлганда ёки фаолият кўрсатиши натижасида бошқа давлатда солиқ солиш объекти пайдо бўлиши ҳолатларида юзага келади.

Жаҳон молия хўжалиги интеграцияси шаклланиши ва ривожланишида иккиёқлама солиқ тортиш муносабатларида бир қатор муаммолар юзага келадик, бу ҳолат халқаро иккиёқлама солиқ солиш муносабатларида мавжуд нормаларни ўзида мужассамлаштирмаганлиги натижасида миллий қонунчилиги асосида солиқ ундириш ҳуқуқига эга эканлиги; бир мамлакат резиденти бўлган шахснинг бошқа мамлакатда тўлаб бериладиган даромадини солиққа тортиш масаласи ушбу икки давлат қонунчилиги билан тартибга солиниши; чет эл корхонасига иккиёқлама солиқ солиш масаласи пайдо бўлганда бир вақтнинг ўзида иккита ёки ундан кўпроқ давлатда бир шахс солиқ

⁶ Glossary of Tax Terms // URL: <http://www.oecd.org/ctp/glossaryoftaxterms.htm> (дата обращения: 12.08.2016).


⁷ 101 термин налогового права: крат. законодат. и доктринальное толкование / Н. Н. Балюк, В. В. Замулко, А. В. Красюков [и др.] ; рук. авт. кол. Н. А. Соловьёва. М. : Инфотропик Медиа, 2015. С. 452

⁸ Семенихин В. В. Устранение двойного налогообложения по налогу на прибыль // Налог. 2014. № 29. С. 9.

⁹ Полежарова Л. В. Международное двойное налогообложение: механизм устранения в Российской Федерации. М. : Магистр: Инфра-М, 2014. С. 9.

қонунчилиги бўйича солиқ тўловчи ёки бир объект солиқ солиш объекти сифатида қаралишида келиб чиқади.

Юқорида келтирилган муаммолардан шуни аниқлаш мумкинки, иккиёқлама солиққа тортишнинг юзага келиш шарт-шароитлари давлатлар солиқ қонунчиликлари уйғунлигининг мавжуд эмаслигидадир.



1-расм. Иккиёқлама солиққа тортишнинг юзага келиш шарт-шароитлари¹⁰.

Фикримизча, иккиёқлама солиққа тортишнинг пайдо бўлиши қуйидаги ҳолатларда рўй беради:

агар шахс бир давлат резиденти бўлиб, бошқа давлатда даромад олса ёки капиталга эга бўлса ва иккала давлат ҳам ушбу даромад ва капитални солиққа тортса;

агар бир нечта давлат битта шахсни оладиган барча даромади бўйича солиққа тортса (бир вақтнинг ўзида бутунлай солиқ мажбуриятига эга бўлиши);

агар бир нечта давлат улар бирортасининг резиденти бўлмаган шахсни ушбу давлатда олган даромади бўйича солиққа тортса (бир вақтда чегараланган иккиёқлама солиққа тортиш). Шунинг учун бир вақтда иккиёқлама солиққа тортиш ҳосил бўлганда давлатлар ўртасида резидентлик тамойилига асосланган халқаро шартномалар имзоланади.

Тадқиқот ишимиз доирасида иккиёқлама солиққа тортиш йўналишларини белгилаб берувчи халқаро солиққа тортиш принциплари умумлаштирилди.

¹⁰ Муаллиф томонидан тайёрланди.



2-расм. Халқаро солиққа тортишининг тамойиллари¹¹

Тадқиқот иши доирамида Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини халқаро шартномаларда белгиланган тартиблардан келиб чиқиб икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш механизми ишлаб чиқилди.




3-расм. Икки томонлама солиқ тортиш шартномаларида икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш модели¹²

¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

¹² Муаллиф томонидан тайёрланди.

Диссертацион тадқиқотнинг «Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш механизмининг амалдаги ҳолати ва муаммолари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг халқаро солиқ муносабатларидаги иштироки ва икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этишдаги позицияси, чет эл компанияларининг «доимий муассаса» концепцияси мезонларига ёндашишни баҳолаш ва унга тааллуқли фойдани аниқлаш усуллари ҳамда Ўзбекистонда икки ёқлама солиққа тортиш тизимида афзаллик бериш тамойилининг самарадорлиги аниқланган.



4-расм. 2019 йилда Европа иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистонда бевосита солиқлар кесимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини улушининг қисий таҳлили¹³

Бевосита солиқлар кесимида Европа иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистон республикаси ўртасида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини улуши таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таҳлил қилинаётган давлатларга нисбатан анча кам, бу Республикада ташқи иқтисодий муносабатлар тизимида очиклик сиёсатини янада кучайтиришни, солиқ-божхона сиёсатини ўзаро мувофиқлигини таъминланиш даражасини оширишни тақозо этади.

Европа иттифоқи давлатларида ҳам бюджетнинг асосий даромад манбаи эгри солиқлар бўлиб, уларнинг энг муҳими қўшилган қиймат солиғидир. Ҳозирги кунда ушбу далаатларда Даниядан ташқари қатъий ва пасайтирилган ҚҚС ставкалари қўлланилади. Ўзбекистонда эса ҚҚС ставкаси 15 фоизни ташкил этади. Пасайтирилган солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий жиҳозлар, китоб, юк ва йўловчи ташиш, корхона ишчилари овқатланиши, маданий тадбирлар, туризм ва меҳмонхона хизматларига нисбатан қўлланилади.

Фикримизча, солиқ қонунчилигидаги мавжуд камчиликлар икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш воситаси сифатида ташқи солиқ кредитлаш

¹³ www.mf.uz. Халқаро солиқ хужжатлари бюроси.Маълумотлар базаси, 2019 йил.

тизимининг ноаниқлигига олиб келмоқдаки, улар жумласига қуйидагиларни келтириш мумкин:

миллий қонунчилик ва халқаро солиқ шартномалари мақсадлари учун ташқи солиқни ҳисобга олиш қоидалари тартибга солинмаган;

хорижий солиқ кредитининг қонуний асослари ва ташқи солиқ кредитининг амал қилишини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати аниқланмаган;

солиқ тўловчи ҳар бир операция учун унинг тўғрилигини исботлаши керак бўлган, шу билан бирга солиқ органларининг талаблари қонун доирасида чекланмаган.

1-жадвал

Европа Иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистонда ҚҚС ставкаларининг қиёсий таҳлили¹⁴

№	Давлатлар номи	ҚҚС ставкаси	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
1	Белгия	Стандард	21	21	21	21	21
		Пасайтирилган	6/12	6/12	6/12	6/12	6/12
2	Болгария	Стандард	20	20	20	20	20
		Пасайтирилган	9	9	9	9	9
3	Чехия	Стандард	21	21	21	21	21
		Пасайтирилган	10/15	10/15	10/15	10/15	10/15
4	Дания	Стандард	25	25	25	25	25
		Пасайтирилган	-	-	-	-	-
5	Германия	Стандард	19	19	19	19	19
		Пасайтирилган	7	7	7	7	7
8	Греция	Стандард	23	23	24	24	24
		Пасайтирилган	6/13	6/13	6/13	6/13	6/13
9	Испания	Стандард	21	21	21	21	21
		Пасайтирилган	10	10	10	10	10
10	Франция	Стандард	20	20	20	20	20
		Пасайтирилган	5.5/10	5.5/10	5.5/10	5.5/10	5.5/10
11	Словакия	Стандард	20	20	20	20	20
		Пасайтирилган	10	10	10	10	10
12	Финландия	Стандард	24	24	24	24	24
		Пасайтирилган	10/14	10/14	10/14	10/14	10/14
13	Швеция	Стандард	25	25	25	25	25
		Пасайтирилган	6/12	6/12	6/12	6/12	6/12
14	Буюк Британия	Стандард	20	20	20	20	20
		Пасайтирилган	5	5	5	5	5
15	Ўзбекистон	Стандард	20	20	20	20	15
		Пасайтирилган	-	-	-	-	-

¹⁴ www.worldwidetax.com

Бундай муаммоларни бартараф этиш ҳисобига кўпинча хатога йўл қўйилишига сабаб бўладиган жиҳатлар олди олинади ва иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишда ҳуқуқий базага эга бўлади. Халқаро иккиёқлама солиқ тортишни олдини олиш мақсадида тузилган шартнома бўйича имтиёзларни қўллаш учун норезидент халқаро шартнома амалда бўлган давлатнинг резиденти ва ҳақиқатан ҳам даромад бенефициари ҳисобланишини тасдиқлайдики, бу эса ўз навбатида норезидентларни аҳдлашув давлатларнинг резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши кераклигини билдиради. Бунда халқаро амалиётда бундай ҳужжат консуллик легаллаштирувидан ўтиши ёки апостиль қўйилиши лозим бўлади. Бироқ, Гаага конвенциясининг консуллик легаллаштируви бекор қилинганлиги тўғрисидаги нормаси аҳдлашув давлатларнинг тадбиркорларида тушунмовчиликни туғдирмоқда. Бу давлатлар ҳаммаси ҳам мамлакатимиз билан апостиль қўйиш амалиётига ўтишмаган.

Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини корхона ва ташкилотлар кесимида таҳлили доирасида «Аnyway Computer Services, Inc.» Россия фирмасининг Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш битимларини қўлланилиши ва норезидент «GFV Industries Incorporated» Жанубий Корея-Ўзбекистон қўшма корхонаси, шунингдек, Бухоро вилояти Олот туманида рўйхатдан ўтган «Uztextile-LINK» компаниясига хизматлар кўрсатиш жараёнида иккиёқлама солиққа тортиш битимларини амал қилиниши юзасидан чет эл юридик шахсига қарашли доимий муассасада ҚҚС бўйича солиқ базаси аниқлаш тартиби аниқлаштирилди.


Таҳлилларга асосланиб солиққа тортишининг халқаро андозаларидан келиб чиқиб, иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишни иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг дастурлари асосида халқаро солиқ стандартлари ва БМТнинг халқаро солиқ дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган халқаро солиқ кодексига асосланган стандартларга мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши, халқаро шартномаси тузилган давлатнинг солиқ резидентига нисбатан, халқаро шартнома қоидаларидан мазкур халқаро шартнома тузилган давлатнинг солиқ резиденти бўлмаган бошқа шахс манфаатларини кўзлаб фойдаланса, татбиқ этилмаслигига оид тартиб солиқ кодексига киритилиши зарурлиги асосланди.

Ўзбекистон икки томонлама солиққа тортиш тўғрисидаги 52 иккиёқлама солиқ тортиш бўйича битимлари (ИСТБ)¹⁵ имзолаган, бу ўз навбатида халқаро манбалардан олинган даромадлага солиқларни чеклайди, икки томонлама солиқдан озод қилади ва маълумот алмашиш учун шароит яратади. Иккиёқлама солиққа тортиш битимлари (ИСТБ)нинг деярли ярми давлатлар ўртасида ўтказиладиган дивидендлар ва фоизларга солиқларни ушлаб туришни сезиларли даражада камайтиришни талаб қилади.

Иккиёқлама солиққа тортиш битимлар бўйича солиқ тўловчиларнинг манбаида солиқларни корхоналар гуруҳлари ичида тўланадиган дивидендлар ва фоизларни тўлаш учун ушлаб қолиш, шунингдек патент ҳуқуқлари билан

¹⁵ Иккиёқлама солиққа тортиш бўйича битимлар

боғлиқ роялти тўловлари бўйича белгиланган чекловлар шуни кўрсатадики, кўпгина иккиёқлама солиққа тортиш битимларида кўрсатилаётган хизматлар жараёнида кўрсатиладиган хизматлар учун тўланган йиғимларга ушлаб қолинадиган солиқ манбаи учун химоя чораларини (ҳеч бўлмаганда етарли даражада) таъминламайди¹⁶.



5-расм. Иккиёқлама солиққа тортиш битимлари (52 та давлат) бўйича солиқ манбаида ушлаб қолинадиган ставкалари чекланиши (фоизда)¹⁷.

Ўзбекистон ҳозирга қадар кенг қамровли тузилманинг (КҚТ) аъзоси эмас ва халқаро солиқларни агрессив режалаштиришни чеклаш бўйича муҳим кўп томонлама конвенциялар/битимларни имзолаган давлатлар қаторида эмас. Кенг қамровли тузилма (КҚТ)га 100 дан ортиқ давлатлар ва юридикциялар ИХТТ/Г-20 «Солиқ базасини камайтириш ва солиққа тортишда фойда солиғидан имтиёزلарни қўллаш (СБКСТФИ)» пакетини реализация қилиш мақсадида иштирокчи сифатида қатнашадилар.

Ўзбекистон иккиёқлама солиққа тортиш бўйича автоматик равишда маълумот алмашиш ва алоҳида давлатлар учун ҳисоботлар алмашиш имкониятини таъминлайдиган «Солиқ масалаларида ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги конвенция» (СМЎМЁТК), «Иккиёқлама солиққа тортиши битимлари доирасида ахборот алмашиш имкониятлари (ИСТББ)», «Кўп томонлама шартноманинг умумий ҳисобот стандартида иштирок этадиган ваколатли органлар (КТШ-УХСИЭВО)»га давлатлар имзолаган ташкилотларга аъзо эмас.

¹⁶ Хизматлар кўрсатишни химоя чораларининг оралиқ музокара муддатлари 12 ой учун 3 ой муддатга 24 ойлик учун 12 ойгача ҳисобланади.

¹⁷ www.mf.uz. Халқаро солиқ ҳужжатлари бюроси.Маълумотлар базаси, 2019 йил.

2-жадвал

Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш бўйича тузилган халқаро шартномаларнинг давлатлар кесимида таҳлили¹⁸

Мамлакатлар	ҚҚТ	СБКСТФИ	СМЎМЁТК	КТШ-УҲСИЭВО
Арманистон	45	йўқ	ха ¹⁹	йўқ
Азарбайжон	50	йўқ	ха	ха
Грузия	53	ха	ха	йўқ
Қозоғистон	52	ха	ха	йўқ
Қирғизистон	27	йўқ	йўқ	йўқ
Тожикистон	38	йўқ	йўқ	йўқ
Туркменистон	41	йўқ	йўқ	йўқ
Ўзбекистон	52	йўқ	йўқ	йўқ

СБКСТФИ лойиҳасининг натижалари турли хил шаклларга эга бўлади. Бунда «Минимал стандартлар» тўртта соҳада ўрнатилади ва уларни жорий қилиш учун ички қонунлар ёки шартномаларга ўзгартириш киритилиши кутилади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан олинган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлов манбаида ундирилиш таҳлили²⁰

(млн.сўмда)

Худудлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	сони	Битим асосида	сони	Битим асосида	сони	Битим асосида	сони	Битим асосида
Қорақалпоғистон Республикаси	30	3 196,6	34	3 653,3	39	4 109,9	43	4 566,6
Андижон	1	148,7	2	169,9	2	191,2	2	212,4
Бухоро	42	4 460,4	48	5 097,6	54	5 734,8	60	6 372,0
Жиззах	6	594,7	6	679,7	7	764,6	8	849,6
Қашқадарё	34	3 642,7	39	4 163,0	44	4 683,4	49	5 203,8
Навои	22	2 304,5	25	2 633,8	28	2 963,0	31	3 292,2
Наманган	4	371,7	4	424,8	5	477,9	5	531,0
Самарқанд	11	1 115,1	12	1 274,4	14	1 433,7	15	1 593,0
Сурхондарё	11	1 115,1	12	1 274,4	14	1 433,7	15	1 593,0
Сирдарё	11	1 115,1	12	1 274,4	14	1 433,7	15	1 593,0
Тошкент вил.	27	2 899,3	31	3 313,4	35	3 727,6	39	4 141,8
Фаргона	3	297,4	3	339,8	4	382,3	4	424,8
Хоразм	2	223,0	2	254,9	3	286,7	3	318,6
Тошкент шаҳар	177	18 808,0	202	21 494,9	228	24 181,7	253	26 868,6
ЖАМИ	379	40 292,3	434	46 048,3	488	51 804,4	542	57 560,4

¹⁸ https://www.mf.uz/media/file/state-budget/obzori/obzor_nalor_rus.pdf

¹⁹ Арманистонда битим имзолаган ҳали кучга кирмаган.

²⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда ички даражада резидентлар ёндошуви норезидент ташкилотларни солиққа тортишда ҳудудий ёндашув билан биргаликда қўлланилади. Норезидентларнинг даромадларини солиққа тортишнинг махсус тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг умумий иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларида резидентлик мақомига эга норезидентлар учун солиқлар бўйича қўлланилган имтиёзларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан олинган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолиш асосида солиққа тортиш натижасида бюджетга тушумлар яъни резидентлик мақомига эга бўлмаганлиги учун бюджетга яъни миллий солиқ қонунчилиги асосида солиққа тортиш таҳлил қилинганда 2016 йилда жами 40 292,3 млн сўмлик 379 та корхонада, 2017 йилда жами 46 048,3 млн сўмлик 434 та корхонада, 2018 йилда жами 51 804,4 млн сўмлик 488 та корхонада, 2019 йилда жами 57 560,4 млн сўмлик 542 та корхонадан ишлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи ва тўлов манбаида унидириладиган фойда солиғи бюджетга жалб этилган.

Мазкур келтирилган таҳлиллар натижаси тақиқот ишимизда баён этилган илмий янгилкларни асослаш учун муҳим омил ҳисобланган:

норезидент жисмоний шахслар даромадига тўлаш тўлов манбаида солиқни ушлаб қолмасдан солиққа оид халқаро шартномаси қоидалари бўйича солиқлардан қочишни олдини олиш борасида махсус қоидаларга мувофиқ пасайтирилган ставкани қўллаган ҳолда амалга оширилиши ва солиқ кодексида акс эттириш лозимлигини;

Хорижий давлат солиқ тўловчилари томонидан Ўзбекистон Республикасида бажарилмаган солиқ мажбуриятларини бажаришига қўмаклашиш тўғрисида халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ чет давлатнинг ваколатли органига бевосита мурожаат қилиш тартибини ишлаб чиқиш кераклигини;

иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиши мақсадида Ўзбекистон резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш юзасидан батафсил тушунтириш бериш тартиби, солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилишда қулай имконият яратилишини тақозо этади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасининг икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этишга оид сиёсатини такомиллаштириш масалалари» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган ҳамда уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жаҳон тажрибаси бўйича иккиёқлама солиқ шартномаларининг бирламчи ва асосий вазифаси иккиёқлама солиққа тортиш муаммосини бартараф этиш ва шу тариқа трансчегаравий капитал ва савдо ҳаракатларини енгиллаштириш бўлиб баён қилиниб келаётган эди, аммо XX асрнинг сўнгги чорагида

солиқлардан бўйин товлаш масаласи халқаро солиқ қонунчилигида кўриладиган асосий масалаларидан бири бўлиб қолди²¹.

Агар Ўзбекистон Республикасида хорижий ташкилот фаолияти доимий муассаса шаклланишига олиб келса, бундай хорижий ташкилот Ўзбекистон ташкилотлари каби фойда солиғига тортилади.

Хорижий ташкилотнинг Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали олиб бориладиган фаолиятдан фойдаси доимий муассаса билан боғлиқ бўлган барча даромадлар ва ушбу доимий муассаса билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади²²:

$$Дмф = \sum Д \partial c - \sum Дхс , \quad (1)$$

Бу ерда,

$Дмф$ – доимий муассасанинг фойдаси;

$\sum Д \partial c$ – доимий муассасанинг барча даромадлар суммаси;

$\sum Дхс$ - доимий муассасанинг барча харажатлар суммаси.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали ишлайдиган хорижий ташкилотларнинг фойдаси тўғридан-тўғри усул билан аниқланади. (1 формулага қаранг).

Шундай қилиб, қонунчиликда агар доимий муассаса мустақил юридик шахс бўлса доимий муассасага тегишли фойда ҳисоблаб чиқиш тарзда ҳисобланади. Ушбу усул доимий корхона мустақил ҳисоб-китобни юритиш орқали асосли маълумотлар ёрдамида солиқ солинадиган фойдани ҳисобини юритади.

Доимий муассаса орқали олинган даромадларни рентабеллик даржасини 25 фоиздан келиб чиқиб ҳоқ олинган даромадларга 0.2 коэффициент қўллаш ҳоқ кўрилган харажатлар бўйича 0.25 коэффициент қўллаган ҳолда ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин. Бу солиқ кодексида кўрсатилмаган. Буни қуйидаги формула асосида акс эттиришимиз мумкин²³.

$$Дмф = Д \partial c \times 0,2, \quad (2)$$

$$Дмф = Дхс \times 0,25, \quad (3)$$

Бу ерда,

$Дмф$ – доимий муассасанинг фойдаси;

$Д \partial c$ – доимий муассасанинг даромадлари;

$Дхс$ - доимий муассасанинг харажатлар.

Ташқи савдо шартномалари бўйича товарларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлганда, хусусан, хорижий ташкилотнинг фаолияти билан узвийлигида ҳамда доимий муассаса тан олинган тақдирда даромадларни билвосита усуллар билан ҳисоблаш зарурияти юзага келади.

Мазкур ҳолатда доимий ваколатхонага чет эл ташкилотининг Ўзбекистондан ташқи савдо шартномаси бўйича товарларни сотишдан олган

²¹ International Tax Primer. Second Edition (Arnold and McIntyre, 2002, p. 105)

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

²³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

барча даромадлари ҳисобга олинмайди, чунки товарларнинг ўзи - шартнома предмети - доимий ваколатхона фаолияти натижасида шаклланмаган.

Шунга мувофиқ, ушбу даромадлар доимий муассасанинг фаолияти билан боғлиқ хорижий ташкилотларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Ташқи савдо шартномаси бўйича товарларни сотиш натижасида доимий муассаса томонидан амалга ошириладиган фаолият учун олинган ялпи даромаддан маълум бир улушни ажратиш керак, бу фақат маркетинг, юкларни кузатиб бориш ва ҳоказоларга тўғри келади.

Агар хорижий ташкилот доимий равишда Ўзбекистонда бундай фаолиятни мустақил равишда амалга ошираётган бўлса, солиқ солинадиган базани ҳисоблаш бундай фаолият харажатларидан келиб чиққан ҳолда 25% рентабеллик даражаси асосида ҳисобланган коэффициент ёрдамида амалга оширилиши мумкин²⁴:

$$Дмф = Бх \times 0,25, \quad (4)$$

Бу ерда,

Дмф – доимий муассасанинг фойдаси;

Бх– Ўзбекистонда фаолият олиб бориш учун бош офиснинг харажатлари (шу жумладан учинчи томонга берилган комиссия);

ёки бундай фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон ташқи савдо ташкилотлари томонидан тўланадиган ўртача тўлов миқдоридан фойдаланган ҳолда шартноманинг умумий қиймати асосида шартли равишда ҳисобланган даромадлар асосида амалга оширилиши мумкин. (одатда бу қиймат шартнома нархининг 3-5% ни ташкил қилади)²⁵:

$$\begin{aligned} Дмф &= Дш \times 0,2, \\ Дш &= Дқ \times k, \end{aligned} \quad (5)$$

Бу ерда,

Дмф– солиққа тортиладиган фойда;

Дш – шартли равишда даромад;

Шқ – шартнома умумий қиймати;


k – 0,03 дан 0,05 гача бўлган коэффициент.

Худди шу тарзда, агар доимий муассаса ўзаро алоқадор агент сифатида тан олинса, фойда ҳисоблаш мумкин.

